

**ЎҚУВЧИ ЁШЛАРНИНГ ИЖТИМОЙЛАШУВИДА БЎЛАЖАК
ФУҚАРОЛАРНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА
МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ТАРИХИЙ МЕРОСДАН
ФЙДАЛАНИШНИНГ ДАВЛАТ СИЁСАТИДАГИ ЎРНИ ВА ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Қулматов Норқобил Эшмаматович

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали, катта ўқитувчи, ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари

norqobui65@mail.ru

Эшмуродов Сухробжон Турсоатович

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Тошкент филиали, катта ўқитувчи, ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича декан ўринбосари

SuhrobEshmurodov@mail.ru

Сайёрамизнинг эртанги кун, фаровонлиги фарзандларимиз қандай инсон бўлиб камолга етиши билан боғлиқ. Бизнинг асосий вазифамиз – ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг

БМТ Бош Ассамблеясининг

72-сессиясида сўзлаган нутқидан

Аннотация: Ушбу мақоланинг мазмунида мамлакатимиз таълим-тарбия тизимида илм-фаннинг ривожланиши асосида ўқувчи ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий-маънавий қадриятлар ва тарихий меросдан фойдаланишнинг давлат сиёсатидаги ўрни ва ўзига хос хусусиятлари баён этилади.

Калит сўзлар: Таълим-тарбия, илм-фан, ўқувчи ёшлар, бўлажак фуқаролар, ватан, ватанпарвар, ватанпарварлик, қадрият, миллий қадрият, маънавий қадрият, миллий мерос, тарихий мерос.

РОЛЬ И ОСОБЕННОСТИ ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ ДУХОВНЫХ ЦЕННОСТЕЙ И ИСТОРИЧЕСКОГО НАСЛЕДИЯ В ПАТРИОТИЧЕСКОМ ВОСПИТАНИИ БУДУЩИХ ГРАЖДАН, В СОЦИАЛИЗАЦИИ СТУДЕНЧЕСКОЙ МОЛОДЕЖИ

Аннотация: В содержании данной статьи рассмотрены роль национально-духовных ценностей и использования исторического наследия в государственной политике и особенности воспитания студенческой молодежи в духе патриотизма на основе развития науки в образовательной системе описана наша страна.

Ключевые слова: Образование, наука, студенческая молодежь, будущие граждане, Родина, патриотизм, патриотизм, ценность, национальная ценность, духовная ценность, национальное достояние, историческое наследие.

ROLE AND FEATURES OF STATE POLICY OF USE OF NATIONAL SPIRITUAL VALUES AND HISTORICAL HERITAGE IN THE PATRIOTIC EDUCATION OF FUTURE CITIZENS, IN THE SOCIALIZATION OF STUDENT YOUTH

Annotation: The content of this article examines the role of national-spiritual values and the use of historical heritage in public policy and the features of educating students in the spirit of patriotism based on the development of science in the educational system and describes our country.

Key words: Education, science, students, future citizens, homeland, patriot, patriotism, value, national value, spiritual value, national heritage, historical heritage.

Тадқиқот ишининг долзарблиги: Маълумки, ёш авлод тарбияси барча замонларда ҳам долзарб вазифалардан бири бўлиб, муҳим аҳамият касб этиб келган. Кишилик жамияти ХХІ асрга қадам қўйганидан кейин бу масала янада долзарб, янада муҳим, ҳаёт-мамот масалаларидан бирига айланиб қолди. Ўз даврида Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислон Абдуғаниевич Каримов -шундай деб ёзган эди, - Мен, - Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир” деган фикрини кўп мушоҳада қиламан. Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, бугунги янгиланаётган Ўзбекистон жамиятимиз учун ҳам шунчалик, балки

ундан ҳам муҳим ва долзарбдир” [1]Тарбия қанча мукаммал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди дейди донишмандлар.Тарбия мукаммал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ (маънавий бўшлиқ) пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Инсоният XXI асрга қадам қўйганидан кейин, бугунги глобаллашган замонда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама – қаршилиқлар ва зиддиятлар кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, фоҳишабозлик, ноқонуний миграция, маданий миграция, “оммавий маданият” ва бошқа шу каби хавф – хатарлар тобора кучайиб, инсоният асрлар давомида амал қилиб келган миллий, диний ва оилавий қадриятлар, эътиқодларга путур етмоқда. Мана шундай кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида, айниқса ёшлар, жумладан ўқувчи ёшлар тарбиясида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани – аччиқ бўлса ҳам айни ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Бугунги кунда ўқувчи ёшларимиз тарбияси – бу бир одамнинг ёки бир инсоннинг, бир оила ёки бир ота-онанинг, бир маҳалла ёки бир мактабнинг иши эмас. Бу барчаннинг иши. Агар бизлар, яъни оилада ота-оналар, боғчада тарбиячилар, мактаб ва олий таълим муассасаларида ўқитувчилар, маҳалла ва кенг жамоатчилик биргалашиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, фарзандларимиз, ўқувчи ёшларимиз Ватан ва эл – юрт корига ярайдиган инсонлар бўлиб улғаядилар. Яхши тарбия инсонга маънавий каби она сути, ота намунаси ва аждодлар ўғити билан бирга сингади. “Ўз халқига, унинг анъаналарига, тили ва маданиятига муҳаббат ва ҳурматни тарбияламасдан туриб, ўз халқини миллатларнинг бутун жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичида тенглардандан бири сифатида идрок қилувчи ҳақиқий инсонни, ўз Ватанининг ҳақиқий жонкуярини тарбиялаш мумкин эмас”.[2] Мустақил Ўзбекистон Республикасимизнинг биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ўз даврида айтилган ушбу сўзлари, тарбия бобида ҳар бир ота – она, ҳар бир фуқарога дастурил амал бўлмоғи лозим. Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари ҳам юқоридаги фикрларни батамом ва тўла-тўқис тасдиқлашини кўришимиз мумкин “Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учунчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Мирзо Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак. Бунда, аввало таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий эттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб, хизмат қилиши лозим”. [3] Ушбу мақсад йўлида ёшларимиз ўз олдиларига катта мақсад ва марраларни қўйиб, уларга

эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама кўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур. Шундагина фарзандларимиз халқимизнинг асрий орзу-умидларини рўёбга чиқарадиган буюк ва қудратли кучга айланади. Шу мақсадда, “Янги Ўзбекистон – мактаб остонасидан, таълим-тарбия тизимидан бошланади” деган ғоя асосида кенг кўламли ислохотларни амалга оширамиз”. [4] Демак, фарзандларимизнинг ким бўлиб вояга етиши, энг аввало, ўзимизга боғлиқ экан. Бу ҳақиқатни асло инкор этиб бўлмайди. Аммо, ўз – ўзидан шундай савол туғилади. Ҳақиқатдан ҳам бугунги глобаллашган мураккаб замонда, интернет тизими орқали, алдов ва қизиқтириш йўллари билан ёшларимиз, айниқса ўқувчи ёшларимиз онги ва қалбини, тафаккурини эгаллашга уринишлар бўлиб турган бир пайтда, юртимиздаги барча ота – оналар ҳам юқорида айтиб ўтилган вазифаларни виждонан ва сидқидилдан уддалай олаётдиларми? Фарзанди тарбиясини мактаб, маҳалла, ёки жамият зиммасига ташлаб қўйганлар йўқми орамизда? Ўғли ёки қизи тақдири билан қизиқмайдиган, нима бўлса пешонасида борини кўради, деб ҳаётдан нолиб юрадиганлар ҳам оз бўлсада орамизда топилади.

Ўзбек миллий давлатчилик тарихимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, қадим замонлардан бошлаб зардуштийликнинг муқаддас китоби - “Авесто”да ҳамда ислом динининг муқаддас китоби “Қуръони каримда”, улуғ аждодларимиз - Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Алишер Навоий асарларида ҳам инсонда юксак ахлоқий фазилатларни камол топтиришда оила ва миллий қадриятлар масаласи асосий ўринни эгаллаган. Маълумки, ўзбек оиласи ўзида миллатимизга хос кўп асрлик маънавий қадрият ва анъаналаримизни, удум ва расм-русумларимизни, маънавий-маърифий, маданий меросимизни сақлаб келади. Оилада шаклланган ўзбек миллатига хос бўлган муомила маданияти, меҳр-оқибат, мурувват, андиша, ибодат ва ор-номус каби одоб-ахлоққа оид ҳис-туйғулар нафакат тарбия вазифасини ўтайди, балки инсоний қадриятлар ва фазилатларнинг намоён бўлишида, комил инсонни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Шарқда миллий қадриятларни фарзандлар онги ва қалбига сингдириш оиладан бошланади. Жумладан, ёшлар катталардан: сувга туфлама, сувга ахлат ташлама, нон устига нарса қўйма, ноннинг увоғи ҳам нон, ёши улуғларнинг йўлини кесиб ўтма, ота-онангнинг гапини иккита қилма, устозингни ҳурмат қил, атрофинга бефарқ бўлма каби насиҳатларни эшитиб, турли ривоят, мақол, ҳикматларни тинглаб, хотираларида сақлаб вояга етадилар. Ёшлар бизнинг келажагимиз, улар аждодларимиз ва ота-боболаримиз, шунингдек ота-оналаримизнинг ишининг давомчилари ҳисобланади. Шундай экан биз танлаган “Ўқувчи ёшларнинг ижтимоийлашувида бўлажак фуқароларни ватанпарварлик

руҳида тарбиялашда миллий-маънавий кадриятлар ва тарихий меросдан фойдаланишнинг давлат сиёсатидаги ўрни ва ўзига хос хусусиятлари” мавзуси бугунги куннинг энг долзарб мавзуларидан бири саналади.

Таклиф ва тавсиялар: Бизнинг асосий мақсадимиз - миллий ва маънавий кадриятлар асосида комил ва ватанпарвар инсонларни тарбиялашдир. Комил инсон деганда, энг аввало, дунёқараши кенг, ватанпарвар, мустақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган, масъулиятли ва соғлом кишиларни тушунамиз. Инсон фақат тарбия ва тарбияланиш орқалигина комилликка эришади. Унинг маънавий даражаси қанча юқори бўлса атрофида юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеа-ҳодисалар ва жараёнларни тез англай олиши қабул қилиши ва мустақил фикрлай олиши шунча юқори бўлади. Шундай экан, оилада, маҳаллада, мактабда, олий таълим тизимида ва жамиятимизда ўқувчи ёшларимизнинг маънавий дунёқарашини мустаҳкамлашда миллий урф-одат ва кадриятларимизга оид бой маънавий меросимиздан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, “Авесто” [5] даги “Эзгу фикр - эзгу сўз ва эзгу амал” ғояси бўйича фикр юритиш; Қуръони карим, ҳадису шариф каби муқаддас манбаларимизда келтирилган маънавий-маърифий ўғитлар орқали ўқувчи ёшларимиз онгида руҳий покдомонлик, иймон-эътиқод, ор-номус, ибо, ҳаё, камтаринлик, меҳр-оқибатлилиқ, самимийлик ва бошқа бир қатор инсоний фазилатлар тушунчаларини шакллантиришга хизмат қилади. Инсоният тарихи шундан далолат берадики ҳар бир миллатнинг ва халқнинг миллий кадриятларини унинг миллий давлатчилиқ тарихини, маданиятини, маънавиятини, ўзига хос миллий урф-одатлари ва анъаналарисиз тасаввур қилиш кийин. Инсоният пайдо бўлиши билан унинг тили, урф-одатлари, анъаналари, дини, маданияти, эзгуликни ифодаловчи ахлоқий фазилатлари вужудга кела бошлаган. Уларнинг мазмунида халқнинг ҳаёт тарзи, руҳияти, маънавияти, маданияти, турмуш тарзи, орзу-истаклари ва ўй-хаёллари акс этган. Миллий кадрият - миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти ҳамда маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Шу ўринда кадрият тушунчасига ҳам изоҳ бериб кетишни лозим топдик. Кадрият атамаси арабча “кадр” сўзидан олинган бўлиб, қимматли, фойдали деган маънони англатади. Бизнинг менталитетимизга хос бўлган миллий кадриятлардан андиша, сабр-тоқат, вазминлик, мулозамат, сертакаллуфлик, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, ижтимоий ҳаётда босиқлик қон-қонимизга сингиб кетган. Биз юқорида таъкидлаганимиздек, ўзбек халқи **миллий маънавий кадриятлар** ва одоб ахлоқга бағишланган махсус теран таълимотларнинг меросхўридир. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳиббат ул-

хақойиқ”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Бурҳониддин Марғинонийнинг етти китобдан иборат “Ҳидоя”, [6] Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Ахлоқи Муқсиний”, [7] имом ал-Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад”, “Ал Жомеъ ас Саҳиҳ”, имом ат-Термизийнинг “Шамоиلى-Муҳаммадия” номли одоб-ахлоқ меъёрларини батафсил ёритиб берувчи асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини, долзарблигини йўқотмаган.

Қадрият - бу табиий ва ижтимоий ҳаётда намоён бўладиган шахсий ва ижтимоий эҳтиёжни қондиришга хизмат қиладиган моддий-маданий, маънавий омиллар йиғиндиси. “Қадрият инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган ва улар томонидан баҳолашиб, қадрланадиган табиат ва жамият неъматлари, ҳодисалари мажмуини тушунмоғимиз лозим”. [8] “қадриятлар - жамиятда кишилар ўртасида обрўга, эътиборга, ҳурматга, нуфузга эга кишилар, муносабатлар, ҳолатлар, моддий нарсалар ва маънавий бойликлар мажмуаси”, “Қадрият инсон ва жамият маънавиятининг таркибий қисми, оламдаги воқеалар, ҳодисалар, жараёнлар, ҳолатлар, сифатлар, талаб ва тартибларнинг қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча”.,[9] “Қадрият- воқелиқдаги муайян ҳодисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланадиган тушунча” деган таърифлар берилган. Бу эса ўз навбатида, қадриятларнинг аҳамиятини кўрсатмоқда.

Миллий қадриятлар - миллат учун аҳамиятга эга бўлган этник жиҳат ва хусусиятлар билан боғлиқ хослик шаклидир. Дунёда ўзига хос қадриятлари бўлмаган миллат йўқ. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, маънавияти, маданияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий қадриятларга эътибор кучайди. Бу она юртимизга эҳтиром, авлод-аждодларимиз хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳаё, андиша каби инсоний фазилатларнинг устуворлиги билан тавсифланади. Қадриятларни фақат моддий ва маънавий бойликлар сифатида тушуниш, изоҳлаш илмий жиҳатдан тўғри эмас. Маълумки, қадриятлар ўз моҳиятига кўра хилма-хилдир. Улар орасида табиий, моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий қадриятлар алоҳида ажралиб туради. Шундай бўлсада, қадриятларнинг энг олийси инсоннинг ўзи, ҳаёти, ҳуқуқи ва эрки, соғлом ва фаровон турмуши ҳисобланади. “Инсон кадр-қимматини, шарафини улуғлаш жамиятимиз покланиши ва равнақининг муҳим омилдир”. [10]

Ғуломхон Ғофуров миллий анъаналарга бағишланган мақолаларидан бирида **миллий қадриятларнинг** қуйидаги кўринишларини тилга олган: 1) табиий

қадриятлар; 2) иқтисодий қадриятлар; 3) ижтимоий-сиёсий қадриятлар; 4) маънавий қадриятлар; 5) ахлоқий қадриятлар. Жумладан, “Ота-боболаримиз илм ўргатиш билан бирга фарзандларимизга авлоддан-авлодга ўтиб келаётган **миллий-маънавий, ахлоқий қадриятларни** сингдирганлар”[11] “Ўзбекларнинг аксарияти... яқин одамларнинг, қўшнилари омон-эсонлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга қўяди. Бу эса энг олий даражадаги **маънавий қадрият**, инсон қалбининг гавҳаридир”[12] “Иқтисодий қадрият - иқтисодий муносабатлар жараёнида шахслар ўртасидаги ўзаро манфаатларни ҳисобга олиш, ҳалоллик, поклик, бағрикенглик, ишончлилик каби фазилатларнинг амал қилинишини англадиган тушунча”[13] Шу ўринда қўни-қўшничилик қадриятини мисол қилиб келтирсак, унда қўшнилари ўртасида ўзаро ишонч, хабар олиш ва моддий ёрдам бериш миллий қадрият сифатида биринчи ўринга қўйилган. Маънавий мерос, маданий бойликлар, кўхна тарихий ёдгорликлар ҳаётий қадриятларнинг энг муҳим омиллари сифатида келтирилган. Мустақиллигимиз шарофати билан юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар натижасида кейинги вақтларда тарбия масаласида қўлга киритилган ютуқларимиз қаторида оилада, мактаб, маҳалла ва жамоат ташкилотларида миллий, умуминсоний қадриятларнинг, анъаналарнинг устуворлигига эришилди. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг “Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси ғояда бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”, - деган фикрлари ёш авлодни миллий қадриятлар асосида етук, баркамол этиб тарбиялашда барчамизга куч-ғайрат бағишламоқда. [14] Сафо Очил ўзининг “Мустақиллик ва тарбия масалалари” номли рисоласида миллий қадриятларимиз ҳақида жумладан шундай дейди. “Миллий қадриятлар ота-боболардан бизгача етиб келган удумлар: Рамазон ҳайити, Қурбон ҳайити, Наврўз, уруғ-дон экиш ва ҳосил байрамлари, бешик тўйи, суннат тўйи, ўғил уйлантириш ва қиз чиқариш билан боғлиқ тўйлар, уй-жой тўйи, қазо билан боғлиқ турли маърака-маросимлар, шунингдек, халқнинг ҳар хил анъаналари - ҳашар, ота-оналарга ҳурмат, ёшларга иззат, қарияларга мурувват, миллий одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиш, илм олиш, оила мустаҳкамлигига эришиш, устозлар қадрига етиш, вафот этганлар қабрини зиёрат этиш, халққа муҳаббат, Ватанни севиш ва ардоқлаш, аскарликка ўз ихтиёри билан бориш, байналмилалчи бўлиш, мулойимлик ва ширинсуханлик ва шу қабиларни ўз ичига қамраб олади”. [15] Миллий қадриятларимизнинг асоси бўлган маънавийят

ва маданият ўқувчи ёшларимизнинг ижтимоийлашувида бўлажак фуқароларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда, уларда инсонийлик ҳис-туйғуларини шакиллантиришда хулқ-атворининг гўзаллиги, одоб-ахлоқчилиги, олийжаноблиги, ваъдасига вафодорлиги, иболи-ҳаёлиги, билим олиши, тўғри сўзлиги, донолиги, бағрикенглиги, озода ва покизалиги, қалбининг беғуборлиги, хушмуомалалиги ва шу сингари инсоний ҳислатлар муҳим роль ўйнайди. Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Киши учун жуда керакли бўлган икки аъзо бор: бири - тил, бошқаси - юрак. Тил сўз учун, юрак эса шу сўздан лаззатланиши учун берилган”, деган фикри ўқувчи ёшларимизни гўзал, чиройли сўзлайдиган, маънавий баркамол, юксак одоб ва илм эгаси бўлишларида қўл келади. Юртимизда ўқувчи ёшларни миллий қадриятлар асосида интеллекти юқори ва ватанпарвар қилиб тарбиялашга катта аҳамият қаратиб келинмоқда. Ўз даврида тарбия масаласига Абдурауф Фитрат ўзининг “Оила” номли асарида болаларни “диққатлари ва зехнлари чуқур ва жиддий бўлишига ўргатинг.... Кўрганлари устидан тез хулоса чиқармасинлар”, - дея таъкидлаб, фарзанд тарбиясига эътибор бериш лозимлигини уқтиради.

Қадриятлар - умумбашарий, миллий ва шахсий бўлиши мумкин:

- 1) Олам, табиат ва жамиятнинг энг муҳим томонларини, алоқадорликларини ифодаладиган қадриятлар умумбашарий хусусиятга эга. Бундай қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотмайдиган, умумбашарий абадий қадриятлардир;
- 2) Муайян бир элат, миллат, халқнинг ҳаёти, турмуш тарзи, тили, маданияти, урф-одат ва анъаналари, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ қадриятлар миллий қадриятлардир
- 3) Инсон, унинг фаолияти, турмуш тарзи, эътиқоди, умр маъноси, одоби, гўзаллиги билан боғлиқ қадриятлар шахсий қадриятлардир.[16]

1. Х.Қодирова ўзининг “Миллий қадриятлар ва маънавий мероснинг жамият ҳаётидаги ўрни” номли мақоласида: “Ўзбекистон халқи умуминсоний ва миллий қадриятларга таянади. Буларнинг бири иккинчисини инкор этмайди. Миллий қадриятлар қуйидагилардан иборат, деб қуйидагиларни санайди:

1. Халқимиз ҳаётида жамоа бўлиб яшаш руҳининг устуворлиги;
2. Халқ онгида устувор бўлган фикр - дўст ва яхши қўшни бўлиб, тинчлик ва тотувликда, яқиндан ҳамкорликда яшаш;
3. Оила, маҳалла, эл-юрт, Ватан тушунчаларини муқаддас билиш;
4. Ота-она, маҳалла жамоаларига, раҳбарларга юксак ҳурмат-эътибор кўрсатиш, бутун жамиятни ҳурмат қилиш;
5. Миллатнинг ўлмас руҳи, миллат маънавиятининг ҳаётбахш манбаи

сифатида она тилига муҳаббат уйғотиш, уни севиш;

6. Катталарга ҳурмат-эҳтиром, кичикларга иззат-эътибор, деган қоидага амал қилиш;

7. Аёл зотига эҳтиром кўрсатиш, яъни, муҳаббат, гўзаллик ва нафосат тимсоли бўлган аёлни қадрлаш;

8. Сабр-тоқат ва меҳнатсеварлик;

9. Халоллик, меҳр-оқибат [17] ни назарда тутати.

Бир катор олимлар томонидан ёзилган “Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари” номли китобда Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантириш йўли тўртта асосий негизга асосланади:

1. Умуминсоний қадриятларга содиқлик

2. Халқимиз маънавий савиясини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

3. Инсонни ўз имкониятларини эркин намойиш қилиши

4. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, толерантлик, [18] - деб қайд этилгани ҳам айнан миллий қадриятларимиз асосида тарбиявий ишларни ёшлар ўртасида олиб боришда кўпроқ қандай йўналишларга эътибор қаратиш ва тарғибот ишларида оила маҳалла, жамоатчилик, таълим-тарбия берувчи муассасаларнинг ўрнини кучайтириш зарурлигини кўришимиз мумкин.

Муаллифлар қадриятлар ва уларнинг турларига қуйидагича ёндошганлар:

- **Оилавий қадрият** - бир оила учун маълум бир маънавият тури (масалан, туғилган кунни, никоҳ қурган кунни нишонлаш);
- **Миллий қадрият** — миллатнинг асрлар мобайнида яратган маънавий бойликлари, ноёб тарихий обидаларини авайлаб-асраш, келгуси авлодларга етказиш, ривожлантириш, ҳурмат билан муносабатда бўлиш, ҳурфикрлик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтириш, маънавий мулкни миллий қадрият сифатида ҳимоя қилиш;
- **Жамоа қадрияти** - маълум бир маҳаллада, қишлоқда, меҳнат жамоасида бирон ижтимоий ҳодиса (оммавий тадбирлар, масалан, ҳашар) урф бўлган;
- **Умуминсоний қадрият** — жаҳон халқлари учун ижобий аҳамият касб этувчи, инсониятнинг умумий манфаатларига мос келувчи моддий ва маданий ҳамда мезонлар мажмуаси мақсад ва интилишларини ўзида ифода этади.
- Умуминсоний қадриятлар ва миллий маънавият, ўз навбатида, Ислом халқлари маънавияти, Ҳиндистон халқлари маънавияти, Европа халқлари маънавияти, Шарқ халқлари маънавияти йўналишлари қуйидагича ёритилган;

Ислом халқлари маънавияти - **араб халқлари, форсийзабон** халқлар, туркий халқлар;

- **Европа халқлари маънавияти** - рус, инглиз, француз маънавияти ва

хоказолар;

• *Ҳиндистон халқлари маънавияти* — орий халқлар маънавияти, друид халқлари маънавияти;

• *Шарқ халқлари маънавияти* - япон маънавияти, хитой маънавияти.

Инсон маънавий олами бўйича ўнга яқин мақолалар муаллифи Абдухалил Маврулов ўзининг “Ватанни севиш масъулияти” китобида ёшлар ҳақида шундай фикрларни илгари сурган: “Ёшларимизнинг аксарияти даврнинг руҳини тўғри ҳис этмоқда. ... Айни пайтда ёшларда ақл ва фаросатнинг мутаносиблигини таъминлашга бўлган интилиш жамият барқарорлигини мустаҳкамловчи омил сифатида баҳоланиши мумкин. ...Эришилган ютуқлар қатори ёшларимизнинг айрим қисмида мавжуд бўлган, баъзан янгидан пайдо бўлаётган салбий ҳолатлар, ушбу вазиятга айрим катталарнинг муносабати-ю ўша ёшларнинг бундай иллатларга нисбатан ёндашуви хавотирли. Баъзи ёши улўғларнинг ёшларимиз дунёқарашидаги муайян салбий ўзгаришларга нисбатан “замон ўзгарди, ёшлар ҳам ўзгарди-да ёки бундай ҳолни “табiiй жараён” сифатида таҳлил этишга уринишлар ҳам мавжудки, бу ҳар қандай илм аҳлини ташвишга солиши табiiй”.

Бугунги глобаллашган ва тезкор ривожланиш даврида инсонлар ўзгармоқда, кадриятлар трансформацияси юз бермоқда. Булар “оммавий маданият” деган никоб остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик, индивидуализм, эгоцентризм ғояларини тарқатиш, керак бўлса, шунинг ҳисобидан бойлик орттириш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва кадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни кўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар одамни ташвишга солмай қўймайди. “Оммавий маданият” тушунчасига ўзбек олимлари куйидагича таъриф беради: “Оммавий маданият” - маданият мавжудлигининг мураккаб ҳамда ҳамма вақт бир хил талқин қилинмайдиган ўзига хос шакли. Оммавий маданиятни Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса деб тушуниш, шунингдек, уни ғоясизлик, сифатсизлик ва дидсизлик намунаси сифатида баҳолаш кенг тарқалган”. “Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати”да ҳам худди шундай изох берилган. Файласуф олим А.Эркаев “Оммавий маданият” дунёда жуда тез ва кенг тарқалди. “Оммавий маданият”да баъзи бир ижобий жиҳатлар билан бир қаторда салбий жиҳатлар ҳам кўп. Энг аввало, “оммавий маданият” инсонни барча соҳаларда, жумладан, маданият ва дам олиш, бўш вақтни ташкил қилиш борасида ҳам индивидуаллигини йўқотган истеъмолчига айлантириб қўяди. Унинг истеъмол қилаётган маънавий-маданий маҳсулотлари, “санъат асарлари” эса стандартлашган, миллий қиёфасиз (поп-арт) товарга айланади. Мусиқада ва

ашулачиликда “рэп”, “рок” каби жанрлар, жангарилик, мистик-фантастик фильмлар, триллерлар, блокбастерлар фикримизни тасдиқлайди”,-деб ёзади. “Оммавий маданият” ниқоби остида вақти-вақти билан пайдо бўладиган турли ижтимоий ҳаракатлар ва гуруҳлар (“хиппи”лар, “пранк”лар, “рокер”лар ҳамда “гей”лар (бесоқолбозлар) ҳаракати, антиглобалистлар ва ш.к.), фахш ва зўравонликни, “вампирилик ва жодугарликни тарғиб қилувчи фильмлар, очиқчасига порнографик сахналардан иборат видео лавҳалар, дисклар ва бошқалар таъсири эса инсон шахсини емиришга, жамиятни дегуманизация қилиш, (яъни субъектнинг инсон зотига мансублигини инкор этишга ва уни инсон ҳуқуқларидан маҳрум қилишга қаратилган ҳаракатлар)га олиб келади. Бундай шароитда ёш авлодни, миллий маданиятни қандай ҳимоя қилиш керак, деган масаланинг ўзи жиддий сиёсий, маънавий ва илмий муаммога айланади” [19], деб ҳақли равишда эътироф этади Ш.Ғойибназаров. Давлатимиз раҳбарининг “Ёшлар, хусусан, ўсмирлар орасида безорилик, жиноятлар сони ортишига қандай омиллар сабаб бўляпти? Баъзи йигит-қизлар учун меҳр-оқибат, ахлоқ-одоб тушунчалари бутунлай бегона бўлиб бораётгани, уларда бефарқлик, масъулиятсизлик, меҳнат қилмасдан кун кўришга интилиш каби иллатлар пайдо бўлаётгани - аччиқ бўлсада, ҳақиқат”, - деган фикрлари ҳам бежиз эмас.[20]

- Бундай маълумотлар кишини беихтиёр ўйга толдиради. Хўш, ўсмирлар ота-она, мактаб, маҳалланинг қуршовида, эътиборида бўлса-да, бундай гуруҳларга қандай қўшилмоқдалар? Маълумки, инсон ҳуқуқбузарлик йўлига, оила, мактаб, маҳалла ва жамият билан узвий алоқанинг узилиши туфайлигина киради.

Президентимизнинг “Ёш оилалар орасида арзимас сабаблар билан ажрашишлар кўпайиб бормоқда. Бегуноҳ болалар етим бўлиб, меҳр ва эътиборга энг ташна вақтида ота-она тарбиясидан четда қолмоқда. ...Яна бир нохуш ҳолатни бугун афсус билан айтмоқчиман: оилаларда носоғлом муносабатлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги жанжаллар, хотин-қизларимиз орасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари борлиги шахсан мени қаттиқ изтиробга солмоқда, деган фикри барча оилалар, таълим-тарбия тизими, оила билан боғлиқ давлат ва жамоат ташкилотларининг бу масалага илмий, амалий ва инновацион жиҳатдан ёндашишлари зарурлигини кўрсатмоқда. Ўртага қўйилаётган оилавий ва ёшлар тарбиясига оид муаммоларнинг қуйидаги сабаблари бор: а) катталарнинг ўсмирларга шахс сифатида эмас, таъсир объекти сифатида қараши; б) ўсмирлар катталар ҳаракатида ўзларига мос бўлмаган ахлоқни кўриб, сезсалар улардан қоча бошлайдилар, натижада, улар ўзларини алдамайдиган, тенг кўрадиган одамни излашни бошлайдилар; в) жуда кўп болалар учун оила ҳаётини

мисолларда тажовузкор ахлоқ ва психик жароҳатни келтириб чиқарувчи вазиятларнинг асосий манбаи ҳисобланади; г) ўсмир ўзи яшаётган оилани дўстларининг оилалари билан солиштиради, ундан тўғри ёки нотўғри хулоса чиқаради; д) ўқитувчи ўсмирнинг оилавий шароитини ўрганмасдан муомала қилиши, унинг ахлоқи кескин ўзгаришига ҳам олиб келиши мумкин; е) ўсмир ҳаётининг шароитлари (етимлик, жиноятчилик, жисмоний ва психик заифликлар). Жиноятчиликнинг катта фоизи ҳаёт шароити ўта оғир бўлган ўсмирлар, яъни жиноятчи, ота-она ёки ҳар иккови мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қилувчи, жанжалкаш оилаларнинг болалари, жисмоний ва психик оғишга мойил бўлганлар ҳисобига тўғри келади. Ўсмир ва ёшларни бундай ахлоқий ҳолатлардан ва турли-туман оғишлардан, иллатлардан, ёмон гуруҳларга кириб қолишдан сақлашда нажот кўприги бўлиб хизмат қиладиган ягона нарса - бу ўсмир қалбига йўл топа олиш, у билан дўстона, самимий, ўзаро ишонч асосига қуриладиган муносабат ўрната олишдир. Баъзи ота- оналар фарзанди яхши инсон бўлишини истаб, уларга эътиборни ҳаддан ташқари кучайтириб, ўзлари билмаган ҳолда унга барча шароитлар, компьютер, қиммат кийим-кечаклар, кези келса қўлига пул, уяли телефон олиб берадилар. Бундай тарбияни илмий тилда гиперопека, яъни (болаларни ҳаддан ташқари ҳомийлик қилиш, ота-оналарнинг болани кўпроқ эътибор билан ўраб олиш истагида намоён бўлади, ҳатто хавф бўлмаса ҳам уни ҳимоя қилиш, доимий равишда уларни ёнида ушлаб туриш, уни энг хавфсиз тарзда ҳаракат қилишга мажбурлаш) дейилади. Ота- она кўз қорачиғидай асраб, бутун куч-қуввати ва меҳрини бериб, оқибатда боқибегам, ландавур ёки текинхўрни, меҳр-шафқатсиз фарзандни тарбиялаши ҳам мумкин. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда болани ёшлигиданок унинг хулқи шаклланишига, миллий-ахлоқий, маънавий-маданий қадриятлар, миллий истиқлол мафқураси асосида Ватанга содиқ қилиб тарбиялаш мақсадга мувофиқдир.

Кутилаётган ижтимоий самара: Маънавий қадриятлар амалий жиҳатдан кенг маънода инсоннинг барча ҳатти-ҳаракати, фаолияти, хулқи, одоби, инсонлар билан бўлган муносабатларида намоён бўлса, тор маънода одамларнинг фалсафий, диний, сиёсий, ахлоқий, ҳуқуқий қарашларида, тафаккури, дунёқарашларида намоён бўлади. Бугунги инновацион технологиялар ривожланиб бораётган даврда чинакам маънавиятли ва маърифатли одамгина инсон қадрини билиши, ўз миллий қадриятларини, миллий ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгаллаши учун фидойилик билан кураша олиши мумкин.

Маънавият инсон руҳиятини ифодалайди. Яъни, ўзлигини англаш, дид-фаросат, ақл-идрок, яхшиликни ёмонликдан, эзгуликни жаҳолатдан, адолатни разилликдан, огоҳликни лоқайдликдан, оқилликни жоҳилликдан ажрата билиш қобилиятини белгилайди. Маънавият чексиз борлиқнинг инсон руҳида ифодаланиши ҳамда комил инсоннинг онги, қалби, виждонидир. Миллатимизга хос бўлган ижтимоий жиҳатларда акс этган ватанпарварлик, эътиқодлилиқ каби жиҳатлар ҳақида гапирар эканмиз, “Ватанпарварлик” сўзига ҳам тўхталиб ўтамиз. Ватан (арабча “Ватан” - она юрт) инсонларнинг яшаб турган, уларнинг авлод-аждодлари туғилиб ўсган жойи, худуди, ижтимоий муҳити, мамлакати. “Ватанни севмоқ иймондандир” ...Ватанни севмоқ уни ардоқламоқ, қадрига етмоқ энг олий қадриятдир. Ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш ва ёш авлодни шу руҳда тарбиялаш оила ва жамиятнинг муаммосидир. Ватан ичра қадриятларни, урф-одатларни, халқ анъаналарини қайта тиклаш, аждодлар ҳурматини жойига қўйиш, улар қолдирган маданий - маърифий, маънавий ёдгорликларни қадрлаш, тарихий обидаларни асраш каби эзгуликлар ва фазилатлар жон қадар ширин Ватан туйғусидир. Ватан муқаддасдир. Ундан қиммат, ундан азиз, ундан улугъ неъмат йўқдир. Шу бойликни қадрлаган, ундан чексиз фахрланган инсонгина оиласи, халқи ҳамда жамиятига меҳр-муҳаббатли бўлади. Инсон она учун қанчалиқ жонқидолик қилса, Ватан учун ҳам шунчалиқ қайғуради, уни ардоқлайди, севади ва қўриқлайди. **Миллатимизга хос бўлган жамоавий жиҳатлардан** оилага, дўстга содиқлик, меҳмондўстлик, аҳиллик, анъана ва урф-одатларни қадрлаш кабиларни қайд этиб, анъана ҳамда қадриятларга тўхтаб ўтишни лозим кўрдик. Ўзбек халқимизнинг миллий анъаналари, урф-одатлари, маросимлари жуда катта тарихий илдизга эга. Анъаналар, урф-одатлар, маросим ва байрамлар халқимизнинг, миллатимизнинг маънавияти, қадриятларининг ажралмас қисмидир. Улар халқимизнинг маънавий эҳтиёжлари замирида шу халқнинг орзу-ўйлари, истаклари, турмуш тарзи, ахлоқ нормаларини ўзида мужассам этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир халқ, миллат, элат уларни кўз қорачиғидай авайлаб-асраши, тараққий эттириб, келгуси авлодларга маънавий қадрият сифатида етказиши лозим. Мустақиллик шарофати билан муҳим қадриятларимиз ҳисобланган “Наврўз”, “Меҳржон” байрамлари, Рамазон ва Қурбон ҳайитлари халққа қайтарилди. Улар билан боғлиқ расм-русум, урф-одатлар, удумларни давр талабига, инсонларнинг эҳтиёжига мослаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Ўзбек халқи қадимдан тўй турларига бой халқ. Жумладан, суннат тўйи, никоҳ тўйи, соч тўйи, тиш тўйи, бешик тўйи, биринчи қадам тўйи, фотиҳа тўйи, мучал тўйи, эллиқ ва ундан ортиқ ёшларни нишонлаш тўйлари, ҳайит байрамлари каби қадриятлар одамларда ҳамжиҳатлик,

аҳиллик, меҳр-оқибат, хайр-саховат, иймон-эътиқод, меҳмондўстлик, инсонпарварлик, дўстлик, тежамкорлик каби фазилатларни тарбиялашга хизмат қилади. Шунингдек, қадимда тўй-базмларда ўйин-кулгу, шеърхонлик, миллий кураш, кўпқари, аскиябозлик қилинган. Анъаналар мазмунан ҳар бир миллатнинг, халқнинг ва элатнинг менталитетини оилавий хурсандчилик ёки мотам маросимлари, тантаналари тарзида ифода этади. Уларнинг барчаси мазмунан эзгуликка, инсонпарварликка, яхшиликка йўналтирилган маросимлар бўлиб, жамиятнинг ўзгариши ва давр талаби билан шаклан ва мазмунан ўзгариб боради. Баъзи анъаналар маънавий қадрият даражасига кўтарилади. Жумладан, Наврўз байрами Шарқ халқларининг миллий-маънавий қадриятларидан ҳисобланади.

Ҳозирги даврда миллий ва маънавий қадриятларнинг инсон ва жамият ҳаётидаги аҳамиятининг ошиб бориши, ўқувчи ёшлар камолотидаги ўрни барчамиз учун муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз юқорида миллий-маънавий, маданий, таълим-тарбия, ахлоқ каби қадрият турлари, унинг моҳияти, инсон тафаккури, дунёқарашига таъсири, комил инсон тарбиясидаги ўрни каби масалаларни имкон қадар ёритишга ҳаракат қилдик. Шу ўринда ёшлар тарбиясини маънавий қадрият ва миллий истиклол мафқураси тамойиллари билан уйғунликда олиб бориш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Миллий қадриятларимиз, халқимизнинг ўзига хос удумлари, унинг юксак ахлоқий фазилатлари маънавиятимиз ўзагидир. Барчамизга маълумки, бугунги кунда миллий қадриятларни тиклаш, такомиллаштириш, ўзлгимизни билиш, маънавий қадриятлар тизимини яратиш умуммиллий, долзарб вазифалардан биридир. Юксак маънавий қадриятларни миллий ғоя ва мафкура билан уйғунликда олиб боришда умуминсоний қадриятлар, таълим-тарбия, илм-фан ва одоб-ахлоқнинг ўрни ўзгачадир. Жумладан, ахлоқий тарбия ва ахлоқий дунёқараш ўз яқинлари, Ватани олдидаги бурч ва жавобгарлик ҳиссини шакллантиради.

Мафкура - муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллат, давлат халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад- муддаолари, манфаатлари, орзу-интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш тамойилларини ўзида мужассам этган ғоялар тизимидир. Унинг *фалсафий, дунёвий ва диний илдизлари* бор. Мафқуранинг мақсади - инсонларни муайян ғояга ишонтириш, бу йўлда маънавий-руҳий рағбатлантириш, инсонларни ғоявий тарбиялаш йўлларини уюштириш, инсонларда ғоявий иммунитетни шакллантиришга сафарбар этишдир. Миллий истиклол мафқураси Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, миллий ва умуминсоний қадриятлар, демократия тамойилларига

асосланади. Халқнинг асрлар давомида шаклланган юксак маънавияти, анъана ва удумлари, улуғ бобокалонларимизнинг ўлмас меросидан озиқланади. Халқнинг ишонч ва эътиқоди акс этган адолат, ҳақиқат, эркинлик ва мустақиллик ғояларида юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлаш назарда тутилади. Шунингдек, жамият аъзоларини, аҳолининг барча қатламларини Ўзбекистоннинг буюк келажагини яратишга сафарбар этади. Миллати, тили ва динидан қатъи назар, мамлакатнинг ҳар бир фуқароси, жумладан ўқувчи ёшлари қалбида она-Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига садоқат ва ўзаро ҳурмат туйғусини қарор топтиради. Инсон ҳеч бир замонда жиноятчи бўлиб туғилмайди ёки жиноятчи бўлиб қолмайди. Аввал жиноятга ундовчи омиллар, турткилар пайдо бўла бошлайди. Юриш-туриш, ҳатти-ҳаракат, гап-сўзда ўзгаришлар юз беради. Наҳотки, ана шундай кезларда ота-она ҳеч нарса сезмаса, пайқамаса? Мана шу “сезмаслик”, “пайқамаслик”, биринчи Президентимиз ибораси билан айтганда, ичимиздаги хавфдир. У ташқи хавфдан кўра хатарлироқдир. Чунки одам душмани нима қилишини олдиндан сезиб, унга қарши ҳимоя воситалари билан қуролланиб туради. Ички хавфнинг эса қачон ва қайси томондан келиши ва натижада нималар юз беришини билиш амримаҳол. Энг ачинарлиси шуки, ички хавф ҳамиша ташқи хавфнинг қурбони бўлиб қолаверади. Унинг йўриғига юради, топшириғини бажаради, ўз ота-онаси ва юртига хиёнат қилади. Фарзанди тарбияси билан шуғулланмаган ота-она уни кўчага бериб қўяди. Шунинг учун ҳам тарбия оиладан бошланишини сира ҳам унитмаслигимиз керак. Ёшлар сиёсатининг устувор йўналишларидан бири – мустақиллик йилларида яратилган миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ва бардавомлигини таъминлашда фаол иштирок этадиган авлодни вояга етказишдир. Зеро, жаҳон ва дунё ҳамжамиятида тобора муносиб ўрнини топаётган, барча соҳаларда барқарор тараққий этаётган янги Ўзбекистонимиз ўз истиқболини ҳозирги давр воқелигини тўғри англайдиган етук авлодлар тимсолида кўради. Дарҳақиқат, 1991 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари” тўғрисидаги қонунда, 2017 йил 15 сентябрда эълон қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғриси”даги қонунда ва 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб – қувватлаш тўғрисида”ги фармонда ҳам ана шу эзгу мақсадлар кўзланган бўлиб, унда ёшлар сиёсатининг асосий тамойиллари белгилаб берилган. Жумладан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг еттинчи устувор йўналишида шундай дейилади: -“ёшларни, айниқса, улар уюшмаган қисмининг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш мақсадида спорт ва жисмоний тарбия билан

шуғулланишга, ижодий тўғарақлар ва турли, жумладан, хорижий тилларни ўргатиш ўқув курсларига кенг жалб этиш ёшларга оид фаолиятни ташкил этишда гоёвий – услубий жиҳатдан кўмак беради” Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг 64 фоизини ёшлар ташкил этади. Меҳнатга жалб этилган аҳолининг асосий қисми ёшлардир. Келажакда бу кўрсаткичлар янада ортиб боради. Ёшларга хос бўлган ижтимоий хусусиятлар – уларнинг дунёқараши, билим доираси, мутахассислик даражаси, маънавияти, инсоний фазилатлари, жамиятнинг умумий даражаси ва тараққиётига ўз таъсирини ўтказиши, шубҳасиз. Маънавиятли халқнинг маданияти юксалган, истиқболи порлоқ бўлишига шак-шубҳа йўқ албатта. Бу жиҳатдан ўзбек халқи ўзининг бой мероси, миллий ва диний қадриятлари билан ҳар томонлама фахрланса арзийди. Мамлакатимизда маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга ошириляётган бўлса-да, улар бугунги кун давр талаблари даражасида кенг қамровли эмаслиги ҳам сир эмас. Шунинг учун ҳам бу борадаги саъйи-ҳаракатларни янада кучайтириш зарур. Ўз даврида биринчи Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганларидек: -Ўзбекистон XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ўсиб келаятган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Шундай экан, айни пайтда бу соҳада йўл қўйилган ҳар қандай сусткашлик, камчилик келажакка берилган зарбага тенг, дейиш мумкин. Бунинг устига XXI аср вабосига айланган терроризмнинг турли-туман кўринишлари хуруж қилиб турган бир пайтда огоҳлик ва ҳушёрлик, қатъиятлилик ва мардлик талаб этилади. Сўнгги йилларда гоёвий душманларимиз ўзларининг манфур ниятларини амалга ошириш учун энг замонавий телекоммуникация ютуқларидан, жумладан, интернет тармоғидан ҳам фойдаланишга ҳаракат қилапти. Шу сабабли маънавиятимизда бўшлиқ ҳосил бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Биринчи Президентимиз Ислам Каримов – бундай бўшлиқ юзага келган тақдирда уни ёшларнинг илмга, касб-ҳунарга, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамоҳанг бўлган янгича ҳаёт мазмуни, янгича қадриятлар билан тўлдириш лозимлигини қайта-қайта ўқитиб ўтган эдилар ўз даврида. Ёшларни, айниқса улар уюшмаган қисмининг турли қинғир йўлларга кириб кетишдан, номақбул оқимлар таъсирига тушиб қолишдан қандай ҳимоя қилиш мумкин? Болалик-инсон ҳаётининг ниҳоятда масъулиятли, гултожи даври. Боиси ана шу паллада йигит-қизларнинг ҳар жиҳатдан гармонал ривожланиши кузатилади. Халқаро тил билан айтганда, уларнинг қатъий мақоми юзага келади. Бу фаслда уларнинг қалби ва онги фаол ривожланиб, дунёқараши шакилланади, унинг босқичлари - оила, боғча, мактаб, маҳалла, темурбеклар ва президент мактабларида ривож

топади. Бирок, минг афсуслар бўлсинки- инсон ҳаётининг айнан шу босқичида, баъзан турли салбий одатларга, хусусан ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик домига тушиб қолиш мумкинлиги ҳам аччиқ бўлса ҳақиқатдан йироқ эмас?! Хўш бундай ҳолатларда қандай чора-тадбирларни қўллаш мумкин. Энг аввало, таълим-тарбия асосларини пухта эгаллашлари, оммавий ахборот воситаларидан унумли фойдаланиш, фалсафий-ҳуқуқий қарашлар, адабиёт ва санъат аҳли ҳамда ижодкор зиёлилар фаолиятини ёшлар, болалар тарбиясига янада кўпроқ йўналтириш лозим. Шу ўринда Биринчи Президентимиз Ислам Каримовнинг “Буюк давлат, буюк келажакимизга эришиш учун оқил, маърифатли, айна пайтда ўзининг ўтмиши, улуғ қадриятлари, миллати билан фахрланадиган инсонларни, келажакка ишонадиган инсонларни тарбиялашимиз керак”,-деган сўзларини эслаш кифоядир.

Ҳозирги ўтиш даврида юртимиз ёшлари-баркамол авлод сифатида қандай бўлиши керак? Ҳар бир ёш авлод аввало, чет тилини мукамал билиши, компьютер билан тиллашиб, Интернетдан фойдалана олиши, миллий ва диний қадриятларга амал қилиши шарт. Ватан тарихи, оила ва маҳалла талабларини мукамал билган йигит-қиз XXI аср талабига жавоб бера олади. Шу билан бирга у юрт корига ярайдиган, доимо хушёр, зийрак, фаросатли, фасоҳатли инсон бўлиб етишига ишонамиз. Бундай ёшлар юртимиз тинчлигини, осойишталигини таъминлай оладиган инсонлар бўлиб, истиқболни белгилашади. Ватанимизнинг буюк келажакини қуриш, олдимизда ва бошқа барча турдаги меросни қамраб олади. Уларнинг айримлари умумжаҳон характерига эга бўлса, баъзилари шу миллат эътиборидаги мерос саналади. Тарихий мерос миллатнинг тафаккури, даҳоси, дунёқараши ва яратувчанлик салоҳиятининг маҳсулидир. Тарихий мерос миллат тараққиётининг турли тарихий босқичларида вужудга келиб, миллатнинг ўзи билан боғлиқ бўлган бойлик ҳисобланади. Миллий истиқлол мафкураси - ҳар бир ватандошимиз оиласи, жамият, эл-юрт олдидаги бурч ва маъсулиятини қай даражада адо этаётганлигини белгилайдиган асосий мезондир. Истиқлол мафкурасининг олдида қўйган мақсади - кишиларда мустақил дунёқараш ва эркин тафаккурни шакллантириш. Шу маънода бу мафкура ўзида халқимизнинг эзгу орзу-умидлари ва ҳаётий манфаатларини ифода этар экан, бу мақсадларга эришишнинг зарур шarti сифатида баркамол инсон шахсини шакллантиришга алоҳида эътибор беради. Маънавий баркамол кишиларгина умуммиллий манфаатлар уйғунлигини теран англайди. Ватан озод бўлмаса, шахс озод бўла олмаслигини тушунади ва бу йўлда фаол меҳнат қилади. Истиқлол мафкураси биринчи навбатда ёш авлоднинг ҳаётига янгича маъно ва мазмун бахш этишга, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантиришга қаратилгандир.

Чунки ёшлар фақат миллий ғоя тимсолидагина мамлакат тараққиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим воситасини кўрадилар. Миллий истиқлол мафкураси ҳали турмушнинг аччиқ-чучугини татиб кўрмаган, ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ана шу авлодни миллий манфаат ва тараққиётимизга ёт бўлган сохта ва бузғунчи ғоялар тажовузидан ҳимоя қилади, ўқувчиларда мафкуравий иммунитетни шакллантиради. Миллий истиқлол мафкураси ўз моҳиятига кўра халқимизнинг мақсад-муддаоларини ифодаладиган, унинг ўтмиш ва келажагини бир-бири билан боғлайдиган, асрий орзу-истакларини амалга оширишга хизмат қиладиган ғоялар тизимидир.

Ўқувчи ёшларни ижтимоийлашувида бўлажак фуқароларимизни ватанпарварлик ҳис-туйғуларини миллий маънавий кадриятлар руҳида тарбиялаш, ўтмиш алломаларимизнинг ўгити, доно сўзлари, фикрларини кадрлаш, ўрганиш, ҳаётда қўллаш ўқувчи ёшларнинг фикрлаш қобилиятларини ва дунёқарашларини кенгайтиради. Бугунги ўқувчи ёшларимиз – келажагимиз пойдевори. Шундай экан, уларни ҳар томонлама етук, комил, ватанпарвар, юрт тинчлиги ва равнақи йўлида фидокор бўладиган фарзандлар қилиб тарбиялаш зарур. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала - бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким - ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айна пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга турган катта-катта муаммоларни ечиш, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, ҳаётда миллий ва умумбашарий кадриятлар уйғунлиги тамойилига амал қилиб яшашдек муҳим вазифаларни ёш авлодимиз ўзининг муқаддас бурчи деб билаётгани, айниқса , эътиборга сазовордир. Баркамол авлодни тарбиялашдек порлоқ ниятимиз учун бизда маънавий асос бор. Ҳар бир миллатнинг миллий мероси ўша миллат томонидан яратилган моддий-маънавий ва бошқа турдаги меросни қамраб олади. Уларнинг айримлари умумжаҳон характериға эга бўлса, баъзилари шу миллат эътиборидаги мерос саналади. Миллий мерос миллатнинг тафаккури, даҳоси, дунёқараши, яратувчанлик салоҳиятининг маҳсулидир. Миллий мерос миллат тараққиётининг турли тарихий босқичларида вужудга келиб, миллатнинг бевосита ўзи билан боғлиқ бўлган бойлик ҳисобланади. Хўш унга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан” - деган фикрлари барчамизга дастуриламал бўлиши зарур. Таъкидлаш жоизки, миллий кадриятлар қатори,

миллий истиқлол мафқурасининг вазифаси мустақил тафаккур соҳиби, маънавий баркамол, комил инсонни шакллантириш, жамиятни ёт ва бегона ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, кўп миллатли Ўзбекистонликлар онгида ватанпарварлик, инсонпарварлик, қонунни ҳурмат қилиш, эл-юрт учун фидойилик, иймон-эътиқод, ҳалоллик каби юксак маънавий сифатларни шакллантириш, миллатимиз шаънини юксакларга кўтаришдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, миллат, давлат ёки жамиятнинг миллий тараққиёти унинг замирида яратилган моддий ва маънавий кадриятларнинг уйғунлиги билан белгиланади. Яъни жамият тараққиётини ўзида мужассам этган миллий ғоя билан боғлиқлигини акс этириши лозим:

Биринчидан, миллий маънавий кадриятлар - ижобий ахлоқий сифатларни такомиллаштириш, давлат ва миллат ривожига тўғаноқ бўладиган салбий иллатларни бартараф этиш омили ҳисобланиши керак;

Иккинчидан, маънавий кадриятлар ва миллий ғоя - жамият ҳаётининг жуда мураккаб ва серқирра, ўзаро узвий алоқадорликда бўлган соҳасилиги;

Учунчидан, шахс ҳаётида, умуман ижтимоий тараққиётнинг маълум даврларида моддий ва маънавий кадриятлар энг долзарб масала бўлиб, келажакда ҳал қилувчи восита ҳисоблангандир;

Тўртинчидан, миллий ва маънавий кадриятлар халқнинг кундалик ҳаёти ва турмуш тарзида ўзига хос мезон вазифасини ўтайди;

Бешинчидан, халқимизнинг асрлардан-асрларга мерос тарзида келаятган моддий ва маънавий кадриятлар узок тарихий жараёнда шаклланган она юртга эҳтиром, авлодлар хотирасига садоқат, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳаё, ибод, андиша каби хусусиятларнинг устуворлигини ўзида мужассамлаштиради.

Умуман, миллий маънавий кадриятлар ижтимоий ҳаётнинг ва маънавий борлиғимизнинг муҳим ва серқирра соҳаси бўлиб, инсон ва жамият камолотида муҳим аҳамият касб этади.

Халқимизни қарамлик кишанларидан озод қилган истиқлол қанчалик улкан бахт эканини – бахтсизлик гирдобидан озод бўлиб келганлар теранроқ ҳис этадилар. Топталган кадриятларимиз, дину диёнатимиз не-не машаққатлар эвазига тикланди. Ўзлигимизни англаш қанчалик бахт эканини билдик. Келгусида бундан-да фаровонроқ яшашимиз, дунёда ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимизни ҳис этганинг сари қалбинг ифтихор туйғуси ила жўш уради. Ҳаётимизнинг навбатдаги поғонаси – фарзандларимиз ва набираларимизнинг бахту - иқболини кўриш билан боғлиқдир. Фарзандларига озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни инъом этаётган катта авлоднинг дилдаги ва тилдаги тилаги шу: ўғил-қизларимиз биздан кўра кучлироқ, билимлироқ, доно бўлсинлар ва албатта бахтли-саодатли яшасинлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. И.А.Каримов. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин.Т.: “Ўзбекистон”,1998, 17 – бет.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги нутқи. “Халқ сўзи”, 2005 йил 29 январь.
3. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. Тошкент. 2020 йил 29 декабр
4. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга ва Ўзбекистон халқига мурожаатномаси. Тошкент. 2020 йил 29 декабр
5. Авеста: “Видевдат” китоби (М.Исҳоқов таржимаси).-Т.:ТошДШИ нашриёти, 2007.
6. Марғиноний Б. “Ал-Ҳидоя”, 1-жилд. Т; 2001; Яна қаранг “Ҳидоя”, УзМЭ, 11-жилд.Т; 2005. Б. 326
7. Кошифий В.Х., Ахлоқи Муқсиний. - Т; ЎзМЭ, 2010.
8. Комилов Т., Абидова С. Миллий ахлоқий қадриятлар ва уларнинг тарбиявий аҳамияти. ЎзР ФА, “Фан”, 2000. Б.20;Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. - Т; “Ўзбекистон”,1997.Б.48.
9. Маънавият: асосий тушунчалар изохли луғати. “Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”. Т; 2010. Б. 707.
- 10.Тўланов Ж. қадриятлар фалсафаси. - Т; “Ўзбекистон”, 1998. Б.333.
11. Ғофуров Ғ. Миллий анъаналар//Халқ сўзи, 1993 йил. 11 февраль, Б. 2
12. Жалолов Д. Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги. Тарбия. №2 (6), 2006. Б.13
13. Қодирова О. Оилавий келишмовчиликлар. Тарбия №2 (6), 2006. Б. 22.
14. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. “Ўзбекистон”, 2016.Б.146.
15. Сафо Очил. Мустақиллик ва тарбия масалалари. Т; “Ўзбекистон”, 1995. Б.5-6
16. Тарбия энциклопедияси. -Т; “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2010. Б.509-510.
17. Жалолов Х., Оила, маҳалла ва мактаб ҳамкорлиги.Тарбия. №2-сон.2006.Б.13.
18. Тиллаева Г., Юсупов Қ., Бобоев Н., Халдибекова Ф., Юсупов А. Шахс маънавиятини шакллантириш омиллари ва воситалари. Т: “Фалсафа ва ҳуқуқ институти” 2009. Б.12
19. Ғойибназаров Ш. Оммавий маданият Т; “Ўзбекистон”, 2012. Б.13-14.
20. Шавкат Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. “Ўзбекистон”, 2016.Б.486